

# Хабар

52  
(953)-son

24-dekabr

www.xabar.uz  
info@xabar.uz  
xabar@uzpak.uz

2010

О'ЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАСHTИРИШ АГЕНТЛИГИ НАШРИ

1992-йил мартдан чиқа бoshлаган

## UZINFOCOM МАРКАЗИ:

# ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

Ахборот технологиялари асрида ҳар йили ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасида янги-янги режалар, лойиҳалар ва фикрлар юзага келмоқда. Баъзан, ҳатто уларнинг кетдан қувиб етиш мушкул бўлиб қолмоқда. Ушбу шароитда UZINFOCOM маркази томонидан ҳукумат қарорларида белгиланган АТ-лоийҳаларни ҳамда АКТ соҳасида ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

3-бет

## ФАОЛ АЛОҚАЧИ, ФАОЛ СПОРТЧИ

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан оммавий спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ҳамда Универсиада мусобақаларидан таркиб топган уч босқичли узлуксиз спорт тизими соғлом авлод тарбиялашнинг муҳим омили ҳисобланади. Қолаверса, спорт соғлом турмуш гарови сифатида турли соҳа ходимлари орасида тарғиб қилиниб, ҳар хил спартакиадалар ўтказилиши анъанага айланган. Жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Спортга бўлган эътибор, мавжуд шароит боис алоқачилар орасидан маҳоратли спортчилар етишиб чиқмоқда.

Ана шу яратилган шароитлардан бири — "Алпомиш" спорт клубидир. "Алоқа принт" МЧЖ бош директори Ойбек Норметов бошқараётган бу клубда шарқ яккакурашларининг кўплаб йўналишларида 400га яқин ёшлар маҳорат оширишяпти. Клуб республика миқозининг карате, дзюдо, таэквондо, жет-кун-до, кикбоксинг федерациялари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатган бўлиб, унинг спортчилари федерациялар уюштирадиган мусобақаларда доимий қатнашиб, маҳоратларини оширишяпти. Жорий йил клуб икки мартаба Ўзбекистон кубоги ва иккита халқаро турнир куботини қўлга киритди.

15-бет

## Сўнги янгилик!

Американинг Pixel Qi компанияси уч турдаги янги авлод дисплейларини чиқаришини маълум қилди. Диагонали бўйича тафовутланувчи бу дисплейлар смартфонлар, планшетлар ва ва ноутбуклар учун мўлжалланган.

Бу дисплейларнинг ўзига хос томони тасвирни ички манба билан бир қаторда, ташқи ёруғлик манбалари ёрдамида ҳам акс эттиришидир.

Дастлабки маҳсулот: 1024x600 пикселлик етти дюймлик дисплейнинг тақдими 2011 йил 6-9 январь кунлари Лас-Вегас мезбонлик қиладиган CES 2011 кўргазмасида ўтказилиши кутиляпти.

Алоқа оламида:

## Ушбу сонда:

- Рақамли телевидение муҳокамада 2
- Сифатни яхшилаш — асосий вазифа 5
- Имеее ли вы сертификат? 6
- Ёдда қоларли йил бўлди 13
- Нон қадри 16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ХАМКОРИМИЗ

UzNet  
Internet Service Provider

сифат рамзидир



## Jumadan Jumagacha

Жорий йил 17 декабр куни халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади. Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ў.Барноев Самарқанд вилояти ҳокими давозимидан озод қилинди. Юртбошимиз тавсиясига кўра, Самарқанд шаҳар ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Зойир Мирзаев Самарқанд вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси қуроли қўчаларига фуқароларни навбатдаги тақрир ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Тошкентда Ўзбекистон касаб уюшмалари федерациясининг бешинчи қурулғой бўлиб ўтди. Қурулғойда мазкур ташкилотнинг 2006-2010 йиллар давомидаги фаолияти сарҳисоб қилинди ва ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти бош мутахассиси Танзила Норбоева Ўзбекистон касаб уюшмалари федерацияси кенгаши раиси этиб сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан Қарши шаҳрида "Сўз эркинлиги ва ОАВ: журналистнинг ўрни ва масъулияти" мавзuida минтақавий конференция ўтказилди.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикасининг Кичик ва ўрта бизнес корпорацияси (SBC) делегацияси Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган бизнес-семинарда иштирок этди. Семинарда юртимиз тадбиркорлари SBC фаолияти, Корея Республикасида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг бугунги аҳволи ҳамда истиқболлари, шунингдек, Корея компаниялари билан ҳамкорликда бизнес юртишининг афзалликлари билан таништирилди.

Жиззах шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг самарадорлигини оширишга бағишланган минтақавий илмий-амалий семинар ўтказилди. Унда Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари прокуратуралари ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, тадбиркорлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

# Рақамли телевидение муҳокамада

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси томонидан давра суҳбати ўтказилди. Йиғилишда республикаликлар рақамли телерадиоташкилотнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ва ривожланиш истиқболлари масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, соҳа корхоналари ва Миллий телерадиокомпаниядан вакиллар қатнашди.

Аналогли қурилмаларни рақамлига алмаштириш, ер усти узаткичларини замонавийлаштириш, аҳолини ТВ-пioneerлар билан таъминлаш, шунингдек, тарихий, давлат, маданий аҳамиятга эга материалларни рақамлаштириш юзасидан давлат дастури доирасида олиб борилаётган ишлар ва келгусидаги вазифалар ҳақида Вазирлар Маҳкамаси масъул ходими Умид Аъламов ахборот берди.

Айни пайтга келиб, республика-миз ҳудудини қамраш бўйича ҳолат

"Ўзбекистон" каналида 99, "Ёшлар" каналида 97, "Спорт" каналида 78 фоизни ташкил этади. Мазкур кўрсаткичлар рақамли шаклга ўтишга мутаносиб равишда максимум даражага етказилди ва бунда 300га яқин кичик узаткичлардан фойдаланилади.

Рақамли шаклга ўтиш юзасидан Миллий телерадиокомпания томонидан ҳам қатор ишлар олиб бориляпти. Компания раиси ўринбосари Файзулла Юнусовнинг маълумот беришича, рақамли контентнинг маҳаллий бозорига амалдаги каналлар билан ёнма-ён "Мумтоз", "Маънавият", "Ғунча", "Оила" "Худуд" ва "Кино" каналлари ташкил этилади. Давра суҳбатида рақамли теле-



видениега ўтиш борасида техник ва ижтимоий-сиёсий масалалар, уни меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш бўйича хориз тажрибасига алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, теледастурларни узатишда рақамли қурилмаларни жорий этиш билан бирга, эфирга узатилаётган материаллар сифатини ҳам таъминлаш талабларига мослаштириш, тезкорлик ва таҳлилий хусусиятлардан келиб чиқиб рақобатбардош кўрсатувлар очиш, эфирга узатилаётган турли сериал, бадий ва анимацион фильмларнинг менталитетимизга қанчалик ҳамроҳлиги, реклама масалалари қизғин муҳокама қилинди.

**Кобуат АҲАДОВ,**  
"Xabar" мухбири

## BARKAMOL AVLOD — YURT TAYANCHI

# Эртаси нурафшон ёшлар

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Фарғона филиалида «Баркамол авлод йили Давлат дастури»да белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, тўрт нафар ТАТУ битирувчилари ишга қабул қилиниб, уларнинг маошига 30 фоздан устама тўлаб келинмоқда.

Тўрт нафар касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳам алоқачилар сафидан ўрин олишди. Ходимларнинг ТАТУ ҳамда университетнинг Фарғона филиалида контракт-тўлов шартномалари асосида таҳсил олаётган 9 нафар фарзандлари учун 9 ойда 5,5 млн. сўмдан кўпроқ маблағ ўтказиб берилди.

Шунингдек, жамоа аъзоларининг 18 нафар фарзандлари учун вилоят Болалар ижодиёт марказига ва шаҳар Ногиронлар жамиятига 100 минг сўмдан 300 минг сўмгача маблағ ўтказилди. Ходимлар 155 нафар болаларининг оромгоҳларда селоматликларини мустаҳкамлашлари учун 11,5 млн. сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Ёшлар спартакиада-си учун ҳар йилгидан анча кўп маблағ ажратилди. Илк марта никоҳдан ўтган 14 нафар ёшларга энг кам иш ҳақининг 8 баравари миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Филиал томонидан амалга оширилаётган бундай савоб ишлар бўйича яна талай мисоллар келтириш мумкин.

ТАТУни тугаллаб, зебу зийнати — илм ва ҳунар бўлган ёшлар билан мулоқот ҳамиша мароқли. Улар са-

бот билан меҳнат кўникмаларини эгаллаб, алоқачи бўлиб шаклланишмоқда. Зеро, одам касбни, касб эса одамни шакллайди. Ахир, элга сеvimли бўлишни дипломга қўшиб бермайдилар. Эл меҳру муҳаббатини меҳнату машаққатлар билан қозонадилар. Филиалда Бунёдбек Дадабоев, Алижон Мелиев, Аҳроржон Қодиров, Муродил Мамажонов, Қўқон почта алоқаси тармоғида Ҳасанбой Мамажонов, Бағлолда Мухсинжон Ганиев, Яйпанда Шерали Болтабоевлар инсон бойлиги камолда деб билалдилар. Тинмай камолотга интилиб, бутун билим-салоҳиятини филиал фаолиятини янада яхшилашдек олий ишга қаратдилар. Йигитларнинг орзулари улуг — олтин ёшлиқнинг ҳар кун, ҳар соати унумли, унутилмас ўтсин.

Бўлмасамчи, бу гўзал қалбли, кўркам ва бақувват йигитлар астойдил саъй-ҳаракат қилсалар, энг юксак чўққиларни ҳам забт эта оладилар. Баркамолликка интилан ёшларнинг тонглари равшан, эрталари нурафшондир.

Ҳафиза САЛҲОВА

QUTLOV



ОРЗУЛАРИМ  
БИР ОЛАМ

Йили йилни доимо бир олам орзулар билан кўчиб олам. Айниқса, 2011 йилни кўчиш ёрғала кетяпти. Савоби, энди ёшларни ёши талаба эмас, мутахассислар. Мекка бутун боши ишни шондор топириб кўчишар. Бу шондор оғлаш, алоқачилар сафидан нуросиб ўрин эгаллаш — бурчил. Бу эса, ростки, осон келтириб. Лекин четона-римнинг қийматлари, йил-йўриқлари мекка кўч, мадад. Аста-аста синов доволари-дан ошарилар. Мамлакатимиз раҳбари Келиш бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб атаган йилда тўққизинчи даврда дадиллик билан ўз ишни орийтаётганларга ҳар томонлама тўқроқ ва шиддатлиқ хизмат кўрсатиши ишга ўз қўлини қўшарилар — тўққизинчи йилда алоқаси тармоқи обрўига обрў қўшарилар, деган қўнғиданлар.

Йили йилда барга ёшларга ҳайда, жамоада нуросиб ўрин топишларида оғлаш тилайлар.

Шерали БОЛТАБОЕВ,  
Яйпан почта алоқаси тармоғи мутахассиси





# UZINFOCOM MARKAZI: ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Вилоятларда АКТни жорий этиш ва ривожлантириш бўйича ҳукумат қарорларини амалга ошириш доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимликлари қошидаги Компютерлаштириш марказларига UZINFOCOM маркази томонидан доимий асосда кўмак бериб келинмоқда. Компютерлаштириш марказлари билан ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш мақсадида жорий йилда марказимиз қошида Компютерлаштириш марказларига амалий ёрдам кўрсатиш гуруҳи тузилди.

Фуқароларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали орқали тақдим этилаётган интерфаол хизматларнинг сифатини ошириш, аҳоли ва кенг жамоатчиликка давлат органлари ҳақида энг муҳим ва тўлиқ ахборотларни тақдим этиш, улар томонидан тақдим этилаётган хизматлар, ишонч телефонлари ва бошқа маълумотлардан кенг хабардор қилиш мақсадида Ҳукумат порталининг мобил шакли ишлаб чиқилди ([www.m.gov.uz](http://www.m.gov.uz)) ва ишга туширилди.

Жорий йил мобайнида UZINFOCOM маркази АКТ бўйича бир қатор семинарлар ва ўқув курсларида фаол иштирок этди ва, ўз навбатида, таълим, тижорат ва иқтисод соҳаларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхоналарининг веб-сайтларини ривожлантириш бўйича бир қатор тadbирлар уюштирди. Ўтказилган семинарлар ва ўқув курслари жараёнида давлат органлари ахборот-ресурсларини ривожлантириш бўйича долзарб муаммолар ва ютуқлар, интерфаол хизматларни шакллантириш, тақдим этиш ҳамда ташкилотларда электрон ҳужжат айланиши тизимларидан фойдаланиш масалалари кўриб чиқилди, келгусида давлат органларида АКТни ривожлантириш борасида чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, 2010 йилнинг муҳим воқеаларидан бири сифатида UZINFOCOM Дата-маркази техник майдончасида тақдим этилаётган веб-хостинг ва со-location хизматлари нархларининг пасайишини ҳам алоҳида айтиб ўтиш керак. Жорий

йилда Дата-марказни ривожлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида хостинг учун нархлар ўртача 50 фоизга пасайди, со-location хизматининг тариф режалари кўлами кенгайтирилди. UzNET сегментидagi лойиҳалар учун TAS-IX тармоғида чекланмаган трафикли тариф режаси қўшилган.

“UZ” домен зонасининг жорий ҳолатига келсак, бугунги кунда “UZ” домен зонасидаги жами фаол домен номлари сони 11 000дан ошди. Йил бошига нисбатан ўсиш 14,2 фоизни ташкил этади. “UZ” домени маъмурияти домен эгаларига доимий равишда янги сервислар ва хизматларни тақдим этмоқда. 2010 йилда домен номи эгасининг барча доменлари ҳолати бўйича хабардор бўлишига ёрдам бериш ҳамда бир қатор қулай сервисларни тақдим этадиган “Шахсий кабинет” ишга туширилди.

2010 йилда Ziyonet тармоғи ресурс маркази томонидан ахборот технологиялари соҳасида бир қатор таълим лойиҳалари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Улар жумласига жорий йилнинг июн ойида ишга туширилган Fikr.uz лойиҳасини кириштириш мумкин. Fikr.uz — ахборот ресурси ва ижтимоий тармоқ ўзаро алоқадорлигининг ягона муҳитини яратди. Ушбу муҳитда нафақат фойдаланувчиларнинг фикр ва мулоҳазалари, балки ўзаро муносабатлари ҳам акс эттирилган.

“Баркамол авлод йили Давлат дастури”ни амалга ошириш доирасида Tanlov.uz сайти ишга туширилди. Tanlov.uz — ёш ижодкорлар, ёш мутахассислар ва олимлар, тадқиқотчилар ва барча ёшлар учун турли давлат ва нотижорат жамоат ташкилотлари томонидан ўтказилаётган танловлар, грантлар, стипендиялар, акциялар ва бошқа тadbирлар бўйича кенг маълумотлар беришнинг сайтдир.

Шунингдек, жорий йилда uTube.uz таълим видеопорталининг янги версияси ҳам ишга туширилди. Ушбу порталда иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларни қамраб олган кўп миқдордаги видео маъруза ва дарслар, турли соҳалар бўйича интервью ва семинарлар жамланган.

Бундан ташқари, Ziyonet тармоғи ресурс марказининг портали янгиланди.

Ziyonet ахборот таълим тармоғини ривожлантириш, фойдаланув-



чилар сонини ошириш ҳамда уларни фойдали контентни шакллантириш жараёнига жалб қилиш ҳамда тармоқ фойдаланувчиларининг ҳам-жамиятини яратиш мақсадида Ziyonet форуми ишга туширилди (uForum.uz да “Таълим” бўлими).

Бугунги кунда форумда 623дан зиёд мавзулар ва рукнлар муҳокама қилинмоқда ва қолдирилган хабарлар сони эса 36 861дан ортапти. Жами форум фойдаланувчиларининг сони — 6 минг, фаол фойдаланувчилар сони эса 970 нафарни ташкил этади.

Ушбу йилда ишга туширилган янги лойиҳалардан Desk.uz “Иш столи” лойиҳасини айтиб ўтиш мумкин. Ушбу лойиҳа шахсий ахборот муҳитини яратиш инструменти ҳисобланади. Бу сервис каталогига об-ҳаво информери, валюталар курси, OAB, давлат органлари ва бошқа ресурсларнинг янгиликлари сервислари кенг виджетлар (хизматлар) киради.

Ҳозирги вақтда WWW.UZ миллий ахборот қидирув тизимини ривожлантириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб бориляпти. Сайтлар каталоги доимий равишда тўлдириб борилади ва бугунги кунда ушбу тизим маълумотлар базаси 5 200тага яқин рўйхатдан олинган сайтларни ўз ичига олади.

Албатта, 2010 йилда юқорида келтирилган лойиҳалардан ташқари, UZINFOCOM марказида яна бир қатор муҳим воқеалар ва янгилик рўй берди, кўплаб тadbирлар ўтказилди. Энди марказдаги янгиликлар ва барча воқеалардан хабардор бўлиш учун

марказнинг расмий сайтлари ёки RSS-каналига обуна бўлиш кифоя, қўшимча равишда uForum.uz форуми фойдаланувчиси ҳам янгилик ва воқеалардан хабардор бўлиши мумкин. uForum.uz форуми фойдаланувчиси ҳам форумда ўзини қизиқтирётган савол билан мурожаат этиши ва маслаҳат олиш мумкин. Агарда кимнингдир барча янгиликларни ўқишга вақти бўлмаса, у ҳолда у twitter.com ва stosorok.ru корпоратив микроблогларидан янгиликларни билса бўлади.

Энди марказнинг 2011 йил режалари ҳақида. Албатта, кейинги йилда марказ томонидан белгиланган режалар кўп. Яқин кунларда UZINFOCOM Дата-марказини модернизациялаш доирасида VPS (Virtual Private Server) янги лойиҳани ишга туширилиши мўлжалланган. Ҳозирги вақтда марказ барча хоҳловчиларга бепул равишда ўз тизимларини тестдан ўтказиш имкониятини беради.

Бундан ташқари, кейинги йилда Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали ва Ziyonet ахборот таълим тармоғини ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, АКТ соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани кенгайтириш ва АКТ соҳасидаги инновацион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилади.

**А.НАЗАРОВ,  
Н.ДАЛИБОВ,  
UZINFOCOM маркази  
мутахассислари**

## “Истиклол” — фестивал совриндори

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан ташкил этилган ҳамда “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти” мавзусида Тошкентда ўтказилган медиа-форум доирасидаги ижтимоий мавзули медиа махсулотлар III миллий фестивалида Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган “Истиклол” телерадиокомпанияси ижодкорлари (тўрт номинациядан иккитасида) ғолиб чиқиб, ўз маҳоратларини янада ошириб бораётганликларини амалда кўрсата олдилар.

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, жорий йил давомида нуфузли ҳайъат томонидан 100 нафардан ортиқ муаллифнинг фестивалга тақдим этган 400дан зиёд ролиги диққат билан кўздан кечирилиб, ғолиблар аниқланди. “Истиклол”чи-

ларнинг мазкур фестивалдаги ютуқлари ягона эмас. Улар бундан олдинги йилларда ўтказилган миллий фестивалларда ҳам юқори ўринларни эгаллаб, ўз мухлисларини мамнун этган эдилар. Хуллас, бу гагги ижодий беллашувда ушбу но-

давлат электрон медиа тармоғининг иқтидорли оператори Давлат Камоллов, ёш, бироқ малакали тележурналистлардан Мадраҳим Турдиев томонидан тасвирга туширилган медиа махсулотлар “Соғлом авлод учун” ва “Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, инсон ва болалар ҳуқуқларини таъминлаш” номинацияларида фестивал совриндорлари сифатида эътироф этилиб, бухоролик телеижодкорлар муносиб тарзда тақдирландилар.

**Асқар ИСТАМОВ,  
“Хабар”нинг Бухоро  
вилоятидаги мухбири**



## Xalqaro haqot



### ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ КЎМАГИ

Осиёнинг 20 давлати Ғазо минтақасига инсонпарварлик қўлини узатди. Мазкур акциянинг Дамашқдаги махсус вакили Башариддин аш-Шарқи ёрдам юклари 27-28 декабр кунлари Суриядан денгиз йўли орқали жўнатилиши ҳақида хабар берган.

Унинг айтишича, озиқ-овқат, дои-дармонлар, энг зарур моллар ва болаларга аталган янги йил совғаларидан иборат минг тонна юк ортилган авток колонна Туркиядан Сурияга етиб келган. Авток колоннага Ҳиндистон, Покистон, Малайзия, Индонезия, Бангладеш, Эрон ва бошқа қатор давлатлардан 135 нафар олим ва университетлар ўқитувчилари, ҳуқуқни ҳимоя қилувчилар, журналистлар ва талаба ёшлар ҳамроҳлик қилишмоқда. Акция ташкилотчилари кемада Суриянинг Ла-таки банларгоҳидан Мисрнинг Эл-Ариш шаҳрига сузиб боришни, у ердан эса қуруқлик орқали Ғазо минтақасига етиб олишни режалаштирган.

### САРИҚ ДЕНГИЗДА ХАРБИЙ МАШҚЛАР

Yonhar агентлигининг хабар беришича, Жанубий Корея Сарик денгизда КХДР чегараси яқинида кенг кўламли ҳарбий-денгиз ўқувларини бошлади. Машқ жойи Шимолӣ Корея билан денгиз чегарасидан тахминан 100 километр шарқда жойлашган.

Корея Республикаси ҳукуматининг маълум қилишича, мазкур ўқув машқи мамлакат тарихида энг йириги бўлиши керак ва унда ҳарбий ҳаво кучлари ва армия бирлашди. Ўқув уч кун давом этади.

### ВЕРТОЛЁТ КУЛАБ ТУШДИ

Пуэрто-Рикола АҚШ миллий гвардияси вертолётни кулаб тушган. Associated Press агентлигининг маҳаллий ҳукумат маълумотида таяниб хабар беришича, вертолёт бортида олти киши бўлган.

Миллий гвардия вакиллариининг маълум қилишича, вертолёт Пуэрто-Рико таркибидаги катталлиги жиҳатидан иккинчи орол – Векесага учаётган эди. Векесада наркотик билан савдо қилувчиларга қарши амалиёт ўтказилган. Ҳолокатга учраган вертолёт йўловчилари эса ақлия вазирилик ходимлари ҳамда миллий гвардия ҳарбий хизматчиларидан иборат бўлган.

Ҳозирча ҳолокат сабаби ва вертолёт бортидаги инсонлар тақдири ҳақида ҳеч нарса маълум эмас.

### ИЧАСИЗМИ, ПАСПОРТИНГИЗНИ КЎРСАТИНГ!

Россия Давлат думаси спиртли ичимликлар билан савдо қилувчиларга харидорлардан паспорт талаб қилиш ҳуқуқини берувчи қонун лойиҳасини иккинчи ва учинчи ўқишдан сўнг қабул қилди.

Агар қонунни Федерация кенгаши маъқулласа ва унга президент имзо чекса, сотувчилар харидорлардан паспорт ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжат талаб қила оладилар. Сотувчилар ўзларининг мазкур янги ҳуқуқларини харидор жуда ҳам ёш кўринганда қўлашлари мўлжалланган.

### ЕВРОПА “АЛ-ҚОИДА” НИШОНИДА

Интерполнинг Бағдоддаги агентлиги ходимлари “Ал-Қоида”нинг Европа мамлакатлари ва АҚШга ҳужум уюштиришлари мумкинлиги ҳақида маълумотга эга бўлган.

Бундан аввалроқ Ироқ ички ишлар вазири Жавад Боланий кўпуровчилар рожество байрами арафасида бир қатор портлашларни амалга оширишни режалаштирилганлиги тўғрисида маълум қилган. Унинг сўзларига кўра, ушбу маълумот сўнги икки ҳафта мобайнида қўлга тушган террорчилардан олинган.

Боланий журналистларга қўлга тушганларнинг бир нечтаси кўпуровчилик ҳаракатларига доир буйруқни тўғридан-тўғри “Ал-Қоида”нинг бош етакчиларидан олганлиги тўғрисида кўрсатма берганлигини таъкидлаган.

Интернет материаллари асосида У.ЙҮЛДОШЕВ тайёрлади

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритаётган тadbиркорлик субъектлари фаолиятини давлат назорат текширувидан ўтказишда Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, «Тadbиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8 августдаги «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни тақомиллаштириш тўғрисида»ги, 1998 йил 19 июнбрдаги «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги, 2005 йил 14 июндаги «Тadbиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2005 йил 5 октябрдаги «Тadbиркорлик субъектларини текширишни янада кискартириш ва унинг тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни тартибга солиш масалаларига доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиш лозим.

## ҚОНУНГА АМАЛ ҚИЛИШ

### Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бажарилишини таъминлайди

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши йиғилишларининг баёнлари талаблари бажарилишини таъминлаш мақсадида Республика кенгаши ва унинг ҳудудий комиссиялари билан ҳамкорликда текширишларини тартибга солишга доир қонун ҳужжатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил октябрдаги ПФ-3665-фармони ижросини таъминлаш, тadbиркорлик субъектларининг фаолият кўрсатиши учун қўлай муҳит яратиш ва улар фаолиятига асосиз аралашувларни қечлаш борасида олиб борилаётган амалий ишлар куйидагилардир:

- тadbиркорлик субъектларининг фаолият кўрсатиши учун тўққинчи қилмаслик;
- уларнинг ҳуқуқий билим даражасини оширишга қаратилган кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари;

- текширишларни ўтказиш тартибини тақомиллаштириш;
- йиғилишларни танқидий руҳда олиб бориш, бўлим ва бўлимда раҳбарларининг бу борада олиб бораётган ишлари;

- фуқаро ва тadbиркорлик субъектларидан келган мурожаатлар қонун ҳужжатлари талаблари асосида кўриб чиқиши бўйича ишларни тақомиллаштириш юзасидан ишлар олиб боришдир.

Текширишларни тартибга солишга доир қонун ҳужжатлари талаблари ва Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарорларида белгиланган вазифалар ижроси бажарилишини таъминлаш мақсадида бўлим ва бўлимлар фаолиятларига талабчанлик даражасини кучайтириш борасида:

- тadbиркорлик субъектлари томонидан йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазоларни қўлашда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс талабларига қатъий риоя қилиниши ва уларни ноқонуний жавобгарликка тортиш ҳолатларига йўл қўймастик;

- Ўзбекистон Республикасининг тadbиркорлик фаолиятини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорлари ҳамда бошқа меъёрий

ҳужжатларнинг аҳамияти, мазмун-моҳияти юзасидан тadbиркорлик субъектлари ўртасида тарғибот (профилактика) ишларини мунтазам равишда олиб бориш;

- самарасиз текширувлар ўтказиш ва текшириш ўтказиш тартиби бузилиш ҳолатлари олдини олиш ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида текширишлар ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган ходимларнинг малакасини янада ошириш мақсадида ушбу ходимлар иштирокида тушунтириш ва ўқув-машғулотларини режа асосида доимий равишда олиб бориш;

- хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар томонидан текширишларни тартибга солишга доир қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, масъулиятини ошириш юзасидан бўлим ва бўлимда раҳбарларининг шахсан масъул эканликлари;

- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига асосиз аралашувларнинг олдини олиш, руҳсатсиз текшириш ўтказмаслик чораларини кўриш, ходимлар ижро интизомини мустаҳкамлаш ва улар томонидан таъмагирилик ва порахўрликка йўл қўймастик борасида доимий равишда ишлар олиб боришмоқда.

Бундан ташқари, Давлат алоқа инспекциясининг 2010 йил иш режасига асосан Давлат алоқа инспекциясининг бўлим ва бўлимларидан назорат ўрганишлари ўтказилиб келинди. Шунингдек, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг тегишли буйруқларига асосан Давлат алоқа инспекциясининг иш режасига ўзгартиришлар киритилиб, бўлим ва бўлимларда ижро интизоми талабларининг бажарилиши ҳолатини маъсали ўрганиш борасида ишлар олиб борилди.

Ўрганишлар давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Мақамасининг 1999 йил 12 январдаги «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1999 йил 29 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари, 2009 йил 30 августда Ўзбекистон

Республикасининг Бош вазири томонидан тасдиқланган «Вазириликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бирлашмалари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ҳамда ижро интизомининг аҳоли мониторингини олиб бориш» Тартиби, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунини ҳамда Агентлигининг 2009 йил 29 декабрдаги 416-буйруғи билан амалга киритилган «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги марказий аппаратида иш юритиш ва ҳужжатлар ижроси назоратини ташкил этиш бўйича йўриқнома» талабларининг бажарилиши бўйича жойларда тушунтириш ишлари олиб борилди.

Давлат алоқа инспекциясининг марказий аппаратида ва вилоят бўлинмаларида ижро интизоми мониторингини олиб бориш юзасидан ўқув семинарлари ўтказилди. Семинарлар жараёнида ходимларга юқоридан кўрсатиб ўтилган қонуности ва меъёрий ҳужжатлар талаблари бажарилиши бўйича йўл-йўриқлар берилди.

Ўрганишлар жараёнида аниқланган камчиликлар юзасидан бўлим ва бўлинмаларга амалий ёрдамлар кўрсатилди ҳамда уларни бартараф этиш ва келгусида бўймай камчиликларга йўл қўймастик бўйича тушунтиришлар берилди, шунингдек, ижро интизомини янада кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва бажарилиши марказий аппарат томонидан назоратга олинди.

Мазкур ўрганишлар бўлим ва бўлинмалар фаолиятини фақат назоратгина эмас, улар фаолиятига амалий ёрдам бериш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари моҳиятини уларга тушунтириш ва бу борадаги давлатимиз сиёсатини кенг тарғиб қилишдан иборатдир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишда асосий куч қонунга амал қилишдир. Давлат алоқа инспекциясининг асосий вазифаларидан бири ҳам ҳуқуқий итоаткорликни таъминлашдир.

Г. ИКРОМОВА,  
Давлат алоқа инспекцияси  
ҳуқуқшуноси



# Сифатни яхшилаш —

**“Ўзбектелеком Мобайл” филиали республикаимиз аҳолисига CDMA-450 стандартидаги симсиз радиоалоқа тармоғи, шунингдек, интернет ҳамда маълумотларни узатиш бўйича хизмат кўрсатиб келаётган алоқа корхонаси хисобланади. Корхонада бугунги кунда қандай ишлар олиб борилмоқда, галдаги режалар нималардан иборат? Мухбиримизга филиал иктисодий таҳлил ва режалаштириш бўлими бош мутахассиси Лутфулла Исроилов ана шулар ҳақида гапириб берилади:**

— “Ўзбектелеком Мобайл” филиали Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация тармоқларини реконструкция қилиш ва ривожлантириш дастурига мувофиқ, “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси томонидан CDMA-450 стандартидаги симсиз радиоалоқа хизматини ўзлаштириш мақсадида ташкил этилган эди. Филиалнинг асосий вазифаларидан бири Ўзбекистон Республикасида умуммиллий симсиз радиоалоқа тармоғини ривожлантиришдир. Ҳозирги кунда 2004 йилда Жиззах вилоятида симсиз радиоалоқа тармоғи ишга туширилди. Шунингдек, 2004 йилнинг 18 декабридан CDMA-450 стандартидаги симсиз радиоалоқа тармоғи Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятлари аҳолисига ҳам хизмат кўрсата бошлади. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 июлдаги Япония “ОЕСФ” чет эл иқтисодий ҳамдўстлиги жамғармасининг имтиёзли кредити “JBIC” лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация тармоғини ривожлантиришга хизмат қили-


ши чора-тадбирлари тўғрисида”ги 331-қарорига мувофиқ амалга оширилган эди.

«Ўзбектелеком Мобайл» филиали республика бўйича CDMA-450 русумли мобил алоқа тармоғини кенгайтиришда давом этмоқда. Филиал икки йил мобайнида телефонлашмаган узоқ ҳудудлар аҳолисига сифатли симсиз алоқа ва интернет тармоғига уланиш имкониятини яратди. Жумладан, республикаимиздаги мактаб, лицей ва коллежлар ҳамда шифохоналарга CDMA-450 стационар симсиз алоқа телефонлари ўрнатилиб, тўлиқ имтиёзли дақиқалар билан таъминланди.

Телекоммуникация бозори филиал ходимлари томонидан чуқур таҳлил қилинаётганлиги ҳамда симсиз ва мобил алоқа хизматларига белгиланган нархлар устидан доимий назорат юритилиши ишни режа асосида олиб бориш ва янги хизмат турларини жорий этишимизга сабаб бўляпти. Тармоққа уланган мижозлар учун пуллик GUDOOK хизматининг бир ойма бепул тақдим этилиши ҳам изланишларимиз натижасидир.

Ҳозирги кунда республикаимиз бўйича 268та база станциялари ўрна-

## асосий вазифа



тилган бўлиб, келгусида яна 89га қўшимча база станциялари ўрнатиш борасида ишлар олиб бориляпти.

Тариф режалари борасида сўз очадиган бўлсак, мижозларни энг кўп жалб қиладиган «Super Uzmobil» ва «Столица» тариф режаларини эътироф этиш мумкин. Сабаби «Super Uzmobil» тариф режасида абонент тўлови 0 АҚШ долларини, чиқиш кўнғироқлари эса 0,02 АҚШ долларини ташкил қиладди. «Столица» тариф режасида абонент тўлови 10 АҚШ доллари учун 1000 дақиқалик лимит бепул, тармоқ ичида чиқиш кўнғироқлари ва барча кириш кўнғироқлари бепул. Яна бир янгилик — стационар симсиз алоқа телефонларидир. Бунда мижозларимиз стационар телефонлардан симсиз уй телефонлари сифатида фойдаланишлари мумкин.

Албатта, ютуқ бор жойда камчиликлар ҳам бўлади. «Ўзбектелеком Мобайл»да ўз мижозларини замон талабларига жавоб берадиган кўп функцияли уяли алоқа телефонлари

билан таъминлаш борасида камчиликлар мавжуд. Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида чет эллик ҳамкорлар билан музокаралар олиб бориб, шартномалар тузилмоқда. Бу эса ҳадемай ўзининг ижобий самарасини беради.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Фарғона, Наманган, Андижон, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм ва Тошкент вилоятлари аҳолиси “Ўзбектелеком Мобайл” филиали CDMA-450 стандартидаги симсиз радиоалоқа тармоғи хизматларидан фойдаланиб келишмоқда. Абонентларга CDMA-450 стандартидаги симсиз радиоалоқа тармоғи хизматлари, шунингдек, сифатли телефон алоқаси, интернет ва маълумотларни узатиш ҳамда кўплаб қўшимча хизмат турлари кўрсатилмоқда.

Муборак МИРКАМОЛОВА  
ёзиб олди



## “UNICON.UZ” ДУК жамоаси

Юртдошларимизни ва алоқачиларни

Янги йил байрами билан табриқлайди.

Янги йилда янги ютуқлар тилаб қоламиз!

## “ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ” ДУК ЖАМОАСИ

Кириб келаётган янги — 2011 йил билан юртимиз аҳолиси ва барча ҳамкасбларини кутлайди.

Эзгу ниятларингиз ижобат бўлишига тилақдошмиз. Сахийлик ва бағрикенглик сизни ҳеч қачон тарк этмасин!





# Встреча с представителями ИТ-компаний

21 декабря в Узбекском агентстве связи и информатизации состоялась встреча с представителями компаний, осуществляющих деятельность в сферах: разработки и внедрения программных продуктов, GPS услуг, а также с Интернет провайдерами и разработчиками контента.



Как подчеркнул Президент Узбекистана на торжественном собрании, посвященном 18-летию Конституции страны, поддержка малого бизнеса и частного предпринимательства является одним из главных факторов стабильного развития экономики.

Целью встречи стала выработка предложений по дальнейшему развитию малого бизнеса и частного предпринимательства, в частности, предприятий, работающих на рынке программных продуктов, GPS услуг, разработки контента для от-

ражения их в Государственной программе, которая разрабатывается в связи с объявлением 2011 года — «Годом малого бизнеса и частного предпринимательства».

Расширяя социальную базу проводимых реформ, данный сектор экономики создает необходимую атмосферу конкуренции, обеспечивает способность быстро реагировать на изменения рыночной конъюнктуры, заполнять образующиеся ниши в потребительской сфере, способствует созданию дополнительных рабочих мест.

Во встрече в УзАСИ приняли

участие более 70 ведущих специалистов в сфере разработки и внедрения программных продуктов, а также представители отечественных ИТ-компаний.

Были обсуждены вопросы всесторонней поддержки отрасли производства программного обеспечения, нормативно-правового обеспечения процессов развития отрасли, а также выслушаны предложения участников рынка по развитию индустрии программных продуктов, мультимедийного контента и геоинформационных услуг.

## Выдано свидетельство о регистрации центра регистрации ключей ЭЦП

Органом регистрации Центров регистрации ключей электронных цифровых подписей (ЭЦП) Узбекского агентства связи и информатизации выдано свидетельство о государственной регистрации Центру регистрации ключей электронной цифровой подписи ОАК «Алокабанк».

Основным назначением Центра регистрации ключей ЭЦП ОАК «Алокабанк» является обеспечение пользователей услуг интернет-банкинга ОАК «Алокабанк» закрытыми и открытыми ключами ЭЦП и сертификатами ключей ЭЦП в соответствии с действующим на территории Республики Узбекистан законодательством для организации защищенного обмена информацией.

На сегодняшний день в Республике Узбекистан функционирует 8 Центров регистрации ключей ЭЦП. Количество выданных ключей и сертификатов ключей ЭЦП, выданных действующими Центрами на конец сентября 2010 года более 150 тыс.

aci.uz

## Имеете ли вы сертификат?

Рано или поздно, каждый производитель строительных материалов сталкивается с процедурой сертификации. К сожалению, у многих сложилось мнение, что сертификация продукции — это рутинный процесс, который требует вложения не малых средств и времени. Но если немного разобраться в данном вопросе, то станет понятно, что нет ничего страшного в данной процедуре.

Нужно отметить, что сертификация делится на два вида сертификации — это добровольная и обязательная. Большинство строительной продукции подлежит обязательной сертификации, но тем не менее, продукция которая не входит в перечень обязательной сертификации продукции сертифицируется предприятиями добровольно. По сути, сертификация — это процедура, предусмотренная законодательством многих стран. Как показывает практика, покупатель при выборе продукции выберет ту продукцию, в отношении которой была проведена сертификация. И так, Вы решили оформить бумаги и разрешительную документацию, а именно сертификат соответствия или гигиенический сертификат, после чего сможете участвовать в тендерах. В данный момент очень много компаний представлены на рынке услуг, которые проводят сертификацию. В первую очередь, Вам необходимо выяснить, имеет ли орган по сертификации разрешение на выдачу сертификатов в отношении интересующей Вас продукции. К аттестату аккредитации, выданному Агентством «Узстандарт», прилагаются перечень продукции и услуг, на которые тот или иной орган по сертификации имеет право выдавать сертификаты.

Наш Орган по сертификации строительных материалов при ООО НТЦ «INNOVASIY PLUS» занимается сертификацией строительных материалов и аккредитован в национальной системе аккредитации.

В нашей организации имеется аккредитованная испытательная лаборатория, которая проводит испытания строительной продукции (г.Ташкент, ул. Бобура 20).

Сертификат соответствия выдается на основании протокола сертификационных



испытаний, который выдается как раз испытательной лабораторией. Учтите, что данный протокол понадобится Вам и не один раз. Опять же, при участии в тендерах или при сдаче того или иного строительного объекта, компания-заказчик потребует от производителя не только сертификат соответствия, но и протокол испытаний. Ведь в протоколе испытаний отражены все показатели, на которые испытывалась продукция. В сертификате такой информации нет, там указывается только наименование продукции и нормативный документ, на соответствие которому проводились испытания.

Так же нужно учесть, что на практике всю строительную продукцию нужно оформить санитарно-эпидемиологическое заключение. Например, на цемент заключение оформляется для определения безопасности для человека. Главным показателем для испытаний является радиология. По нашему законодательству, регламентирующими документами, подтверждающими качество являются: гигиенический сертификат, сертификат соответствия, декларация о соответствии, протокол по пожарной безопасности, экологический сертификат.

## МТС первой в Восточной Европе и странах СНГ успешно протестировала роуминг в сетях LTE

Компании «МТС Узбекистан» и «ВиваСелл-МТС» (Армения), входящие в Группу МТС, провели успешное тестирование услуг роуминга в своих сетях LTE и подписали протокол о намерениях, устанавливающий цели и функции операторов в рамках деятельности по организации взаимного LTE-роуминга.

Согласно протоколу о намерениях, «МТС Узбекистан» и «ВиваСелл-МТС» сотрудничают на деловом и техническом уровне в целях организации процессов, необходимых для поддержки международного LTE-роуминга и обеспечения поддержки LTE-роуминга средствами операторов.

В рамках сотрудничества дочерних компаний МТС в Армении и Узбекистане используются стандарты, спецификации и шаблоны для LTE-роуминга, разработанные Международным Партнерским объединением Third Generation Partnership Project (3GPP), именно это объединение в 2008 году утвердило LTE в качестве следующего после UMTS стандарта широкополосной сети мобильной связи. LTE-роуминг работает в сетях LTE «МТС Узбекистан» и «ВиваСелл-МТС» в частотном диапазоне 2,6 ГГц. При тестировании услуг были использованы модели Samsung GT B3710 и Huawei E398.

«Компании «МТС Узбекистан» и «ВиваСелл-МТС» запустили в работу сети LTE (4G) на своих внутренних рынках и намерены расширить объем услуг, предоставляемых клиентам. Одним из важных шагов в этом направлении является обеспечение возможностей работы LTE-роуминга. Сотрудничество компаний в рамках Группы МТС обеспечит клиентам возможность брать LTE устройства с собой за границу и получать там все преимущества мобильного ШПД в сетях LTE. Работа Группы МТС нацелена на то, чтобы обеспечить развитие услуг связи 4G и в других странах присутствия компании», — отметил вице-президент МТС, директор бизнес-единицы группы «Зарубежные дочерние компании» Олег Распопов.

«МТС Узбекистан» запустила в Узбекистане первую в СНГ и Центральной Азии коммерческую сеть «четвертого поколения» в частотном диапазоне 2,5-2,7 ГГц в конце июля 2010 года. Кроме того, в ноябре 2010 года оператор получил разрешение на использование радиочастот в диапазоне 700 МГц для расширения зоны и качества покрытия действующей сети «четвертого поколения» LTE. «ВиваСелл-МТС» получила разрешение на использование радиочастот для строительства сети LTE в диапазоне 2,6 ГГц в Ереване и регионах Армении в ноябре 2010 года. Сеть в стандарте LTE была запущена МТС в Армении в декабре 2010 года. Обе сети поддерживают скорость передачи данных в направлении к абоненту 100 Мбит/с.



### ДАГ МЕЙДЕЛЛ ИРСНИ БОШҚАРАДИ

Норвегия почтаси бош директори Даг Мейделл Халқаро почта корпорацияси (IPC) раҳбари этиб тайинланди. Энди у Европа, Шимолий Америка, Осиё-Тинч океани минтақасидаги жаҳон почтасининг 80 фоизини етказиб берувчи, 2,4 миллион киши меҳнат қилувчи 24та йирик почта компаниялари фаолияти учун ҳам масъул ҳисобланади.



Норвегия сингари унча йирик бўлмаган мамлакат вақилига бундай нуфузли лавозим бежизга топширилмади. Мейделл беш йил давомида Норвегия почтасини замонавийлаштириш ҳисобига юксак сифат намойиш эта олди.

### TNT ХИТОЙ ЙЎЛЛАРИДА

Голландия почта оператори, тезкор-элитш бўйича жаҳонда етакчи TNT компанияси Хитойда йўллар қурилишига 170 миллион евро инвестиция киритмоқчи. Бу инвестициялар TNT Ноау (TNTнинг Хитойда автомобиллар воситасида юкларни тезкор элтиш бўлими)га йўллар тармоғини кучайтириш, янги хизматларни йўлга қўйиш ҳамда қўшимча иш ўринлари очиги имкон беради. Аини пайтда компания фойдаланаётган йўл тармоғи Хитойнинг 600та шаҳрини боғлайди.



### ROYAL MAIL ХУСУСИЙЛАШТИРИЛАДИ

Буюк Британия ҳукумати давлат почта хизмати — Royal Mailни хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунни тайёрляпти. Илгари Канада почтасини бошқарган Моя Грин британ почтасига раҳбар бўлиб келгач, шундай қарорга келинганди. Янги раҳбарият мамлакат почта хизматини мустақил экспертизадан ўтказди ва почтани сақлаб қолиш учун хусусий инвестициялар зарур деган қарорга келди.

Экспертиза якуний ҳулосалари асосида тузилган ҳисоботда Royal Mail инқирозига почта жўнатмалари ҳажмининг камайиб кетиши, инвестициялар етишмаслиги, меҳнат самарадорлигининг пастлиги ва пенсия жамғармасидан қарздорлик каби омиллар сабаб бўлиши мумкинлиги кўрсатилади. Агар тахминлар ўзини оқласа, кейинги беш йилда почта жўнатмалари ҳажми 40 фоизга камайиши, пенсия жамғармаси дефицити 8 миллиард фунт-стерлинг (12,3 миллиард доллар)ни ташкил этиши эҳтимолдан йироқ эмас. Асосий харидорлар орасида компаниянинг азалий рақиблиари: UK Mail ва Голландиянинг TNT почта оператори имкониятлари юқори баҳоланмоқда.

### ШВЕЙЦАРИЯ ПОЧТАСИ ЖЎНАТМАЛАРНИ КАЙТАРАДИ


Швейцария почтасининг Британиядаги бўлими — Swiss Post International UK халқаро миқёсда фаолият кўрсатувчи савдо компанияларига жўнатмаларни қайтариб юбориш борасида новаторлик ечимини ишлаб чиқди. Янги хизмат доирасида Европанинг 18 мамлакатига яшовчи мижозлар онлайн тарзда харид қилинган майда товарларни мутлақо текинга қайтариб юборишлари мумкин.

Икки килограммгача бўлган жўнатмаларга битим тузган компанияларнинг қайтариш тўғрисидаги бланклари илова қилинади. Молни қайтариш бўйича харажатлар мижозни сақлаб қолишдан манфаатдор сотувчининг зиммасида. Шу йўл билан, Swiss Post International UK хизмати-дан фойдаланувчи савдо компаниялари рақобатчилари орасида яхши имкониятга эга бўлишади.

### СЕРБИЯ ПОЧТАСИ РАҚАМЛИ ИМЗО БЕРАДИ

Сербия телекоммуникациялар ва ахборот жамияти вазири Ясна Матикнинг маълум қилишича, мамлакатда ҳукумат ҳужжатлари учун электрон рақамли имзо жорий этилади. Бу йўл билан имзоланган ҳужжатлар қоғоз ҳужжатлар билан бир хил кучга эга бўлади.

Электрон рақамли имзо бериш бўйича сертификат мамлакат почта хизмати (Posta Srbije), Савдо палатаси ва Ташқи ишлар вазирлигига берилган.



### ПОЧТА БИЗ УЧУН ҚУЛАЙ

Канадаликларнинг 80 фоизи байрам табрикларини почта отқриқалари орқали олиш қулайлигини билдирди. Бунга Harris/Decima компанияси ўтказган тадқиқот ойдинлик киритди. 2008 йилга солиштирилганда бу яхши кўрсаткич, негаки, ўшанда 71 фоиз канадалик почтага ишонч билдирганди. Сўровномага кўра, ҳар бир канадалик йи-

лига ўртача 15,6та байрам табриги йўллади. Электрон кўринишдаги байрам табриги жўнатувчилар улуши 5 фоизни ташкил этса, 60 фоиз аҳоли анъанавий усулларни маъқул топмоқда. Почта орқали табрик жўнатувчи аёллар улуши 75 фоизни, эркеклар эса 62 фоизни ташкил этиши аниқланган.

# 20 йилдан сўнг кутилаётган ўзгаришлар

Дунё мамлакатлари орасида инновацион технологиялар ишлаб чиқариш бўйича етакчи мутахассис ҳисобланувчи АҚШлик кашфиётчи Раймонд Курцвейл (1974 йилда у кўрлар учун ўқиш қурилмасини яратган ва ҳозирги интернет ҳақида башорат қилган) Венадаги конгрессда келгуси 20 йил ичида ахборот технологиялари соҳасида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришлар ҳақида ўз фикрларини баён этди. Унинг фикрича, 2030 йилга бориб, интернет бизнинг барча сезиш аъзоларимизга таъсир кўрсата олувчи виртуал муҳита айланади.

Бу шуни англатадики, биз интернет орқали хидларни сезамиз. Тасвирни ажратиш тизими туфайли эса кўз пардаларида (3 ўлчовли тизимда) виртуал муҳитлар пайдо бўла-

ди — бошқача қилиб айтганда, бизда ўрмон, боғ, пляж ёки конференц залда бўлгандек тўлиқ ҳис пайдо бўлади.

2014 йилда ёки узоғи билан 2020 йилга бориб суперкомпютерларнинг қудрати инсон онги қудратига тенглаштирилади. Компютерлар ноанъанавий кўринишга келтирилади. Улар кийим ёки бошқа жисмлар кўри-нишида бўлиши мумкин. Масалан, ташқи дисплейли кўзойнақлар, улар ёрдамида турли функцияларни бажаришимиз мумкин. 2029 йилда суперкомпютерлар Тюринг тестидан ўтиши мумкин (олимлар фикрича Тюринг тестидан фақат онгилар ўтади). Бу эса ўз навбатида инсоният тараққийнинг ривожига ўз ҳис-сасини қўшади.

Курцвейлнинг фикрича, тиббиёт



соҳасида ҳам жуда катта ўзгаришлар кутилмоқда, яъни инсон организмга кўплаб микроскопик нанороботлар ўрнатилди. Улар инсон қон айланиш тизимидаги капилляр қон томирлари орқали ҳаракатланиб, касалликнинг эндигина бошланиш вақтини аниқлайди. Бу шундан далolat берадики, касалликни даволаш имконияти кескин равишда ошади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, инсоният ҳар доим тараққий этиб

бобаверади. Тараққий минглаб кашфиётлар натижасидир. Кашфиёт эса минглаб изланишлар, уринишлар йиғиндиси. Демак, ҳаммамизда тараққий-ётга ўз ҳиссамизни қўшиш имкони бор. Шунинг учун доимо олдимизга мақсад қўйилик ва шу мақсад сари интилиб яшайлик. Зеро, интилганга толе ёрди!

Аюбхон ХУДОЙБЕРДИЕВ,  
ТАТУ талабаси



## Мухим мавзу муҳокамаси

Ибн Сино номидаги Бухоро вилояти ахборот-кутубхона марказида 2010 йил давомида ахборот технологиялари мавзусига бағишланиб бир қатор давра суҳбатлари, тегишли мутахассис ходимлар билан учрашув ва мулоқотлар ташкил этилди. Яқинда ўтказилган ана шундай тадбирлардан яна бири "Компьютер технологиялари асрида ахборот-кутубхона хизматининг янги шакллари" мавзусига бағишланди. Унда шаҳар ва туманлардаги ахборот-ресурс марказларининг ходимлари, соҳа мутахассислари иштирок этишди.

Семинар қатнашчилари ривожланган давлатлар кутубхона тизими, улардаги иш юритиш услуби, тармоқда ўлкашуносликка оид манбаларнинг электрон базасини шакллантиришнинг муҳим йўналишлари ва ўзига хос жиҳатлари, бундан ташқари, у ёки бу фаолиятга оид ҳисобот тайёрлаш бўйича маърузаларни тингладилар. Тадбир давомида иштирокчилар республикамизда ҳозирги давр мактаб кутубхонаси қандай бўлиши кераклиги юзасидан ўзаро фикр алмашдилар, баҳс-мунозараларга киришдилар. Улар, шунингдек, тажрибада синалган илгор иш усулларини кенг оммалаштириш бўйича келишиб олдилар.

Семинар-тренинг якунида "Электрон ресурсларни библиографик тавсифлашнинг умумий қоидалари" мавзусида тайёрланган услубий қўлланма тақдими ўтказилиб, иштирокчиларга 2011 йил учун "Мухим ва унутилмас саналар" тақвими тарқатилди.

Асқар ИСТАМОВ,  
"Хабар"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

## Дастур ижроси

**"Баркамол авлод йили Давлат дастури" ижросини таъминлай бориб, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Андижон филиалига 2010 йилда уч нафар ТАТУ, уч нафар коллеж битирувчилари ишга жойлаштирилди.**

Филиалда дастур ижросини таъминлаш борасида яна бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, филиал почта алоқаси бўлимларида мактаб ўқув қуроллари маҳсулотлари сотуви йўлга қўйилди. Иккуниятлари чекланган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш учун шартшароитларни янада яхшилашга, почта алоқаси тармоғи учун мутахассислар тайёрлаш, ўрта махсус таълим муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлашга филиал маблағлари ҳисобидан ҳомийлик ёрдамлари берилди.


Рақамли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва ўзлаштириш учун қишлоқ почта алоқаси объектларида, Асака, Хўжабод почта алоқаси тармоқларида интернет-кафедрлар ташкил қилинди.

Филиал таркибидаги туман, шаҳар почта алоқаси тармоқларида тадбиркорлик шохобчаларини очиш орқали янги иш ўринлари ташкил этиб, шартнома асосида ижарага бериш бўйича 28 иш ўрни яратилди. Касб-ҳунар коллежи, академик лицей ва ТАТУда таҳсил олаётган кам таъминланган оила

фарзандлари моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди.

Ташкилот, муассаса ва корхоналар ёш ишчи-ҳодимларидан тўрт киши "Ахборот коммуникациялар: тармоқлар, технологиялар, ечимлар" журнаliga ҳамда уч киши "INFOCOM.UZ" журнаliga обуна қилинди. Ёшларда соғлом турмуш тарзини интилишни кучайтириш, уларнинг санатория ва оромгоҳларда дам олишини таъминлаш ва алоқа ходимлари фарзандларини ёз фаслида оромгоҳларда соғломлаштиришга 8 миллион 587 минг сўм сарфланди. Ёшларни жисмоний ва спорт машғулотларига кенг жалб қилиш, жисмоний тарбия билан оммавий шугуланишини ташкил этиш мақсадида вилоят миқёсида спорт ва махсус мусобақалар ташкил этилди, айниқса, қишлоқ жойларида болалар ва ёшлар, оилавий жамоалар ўртасида турли спорт тадбирлари ўтказиб борилди. Шунингдек, оилавий жамоалар ўртасида "Баркамол оила" спорт ўйинлари ташкил қилиниб, филиал қасаба уюшмаси ҳисобидан 8,100 минг сўм маблағ сарфланди.

Спортни ёш оилалар ва соҳа ходимларининг кундалик ҳаётий эҳтиёжига айлантириш мақсадида



ёшлар ўртасида уч босқичли спорт мусобақаларининг 1-2-босқичи ўтказилди. Филиал ходимлари ушбу мусобақаларда 1- ва 2-ўринларни эгаллашди. Фаол ёшларнинг тарихий ва диққатга сазовор жойлар бўйлаб бепул саёҳати ташкил этилди.

"Баркамол авлод йили Давлат дастури"ни амалга ошириш борасидаги ишлар келаётган 2011 йилда ҳам давом эттирилади.

Сойибназар СУЛТОНОВ  
Андижон вилояти

## "РАДИОАЛОҚА, РАДИОЭШИТТИРИШ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ МАРКАЗИ" ДУК ЖАМОАСИ

Юртимиз аҳолисига,  
жумладан, барча ҳамкасбларига  
Янги йил тилаklarини изҳор этади.



Сизларга оппоқ қордек  
беғубор тилаklarимизни  
йўллашдан беҳад шодмиз.  
Истагимиз, қалбларингизни  
гўзал туйгулар ҳеч қачон  
тарк этмасин!

## "Алоқалойиҳа" ДУК ЖАМОАСИ

Алоқачилик касбини  
улуғлаб меҳнат қилаётган  
қадрли ҳамкасбларни ва  
азиз юртдошларимизни катта  
шодиёна —

Янги йил  
байрами билан  
қутлайди.



Ҳаётингиз тўкин, умрингиз  
узун бўлсин, азизлар!



## Ёдда коларли йил бўлди

Баркамол авлод йили биз ёшларнинг ҳар томонлама чиникишимиз учун кенг имкониятлар даври бўлди. Айниқса, қабул килинган Давлат дастури доирасида йўлга қўйилган спорт мусобақалари барчага кўтаринки кайфият бахш этди. Тадбир сабаб мафтункор диёримизнинг турли манзилларидан келган ҳамкасблар билан яқиндан танишдик ва дилдан сўхбатлашдик. Бу борада Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари ўртасидаги анъанавий республика спартакиадаси ёдда коларли бўлди.

Шуниси қувончлики, Баркамол авлод йилига бағишланган бу спорт байрамида қатнашиш ҳуқуқи менга ҳам насиб этди. Тўқин вилоятининг Бўстонлик туманидаги “Алоқачи” оромгоҳида кечган ҳаяжонли дамлардан завқ шавқ олдим. Халқимизнинг қадимий спорт ўйини — арқон тортиш баҳсида хоразмлик ҳамкасблар билан баҳслашдик. Дастлабки дақиқаларда устунлик биз томонда бўлди. Омад хоразмликларга кулиб боқса-да, кўпкурашнинг умумий натижаси бўйича навоийликлардан кейин фахрли иккинчи ўринни эгалладик.

Амалдаги йил кузида ўтказилган республика спартакиадаси фақат чиниқшиш ва маҳорат синовига айланиб қолмади, балки уч кун давомида мириқиб маланий ҳордиқ чиқардик. Хоразмлик ҳамда фарғоналик касбдошларимиз санъатсеварлик бобида ҳам ўрнак кўрсатишди. Улар кўшиқ куйлаш, рақса тушиш борасида профессионал ижрочилардан қолишмасди.

Кейинги пайтда биз алоқа ходимлари ҳаётига спортнинг оммавийли-

гига эришиш билан боғлиқ хайрли ҳаракатлар тобора сингиб бормоқда. Бу орқали иш жараёнида толиқишга ўрин қолмапти. Аксинча, ҳушёрлик ва ҳушчақчақлик сифатлари устувор бўлиб, юқори меҳнат унумига эришмоқдамиз.

Кутиб олинаётган 2011 йилда филиалимизда спортни ривожлантиришга эътибор янада ошадди, деб умид қиламан. Ўзимизнинг спорт мажмуамиз бўлиши режалаштирилган. Агар бу ният амалга ошса, орамиздаги ҳаваскор спортчилар сафи кенгайиши тайин. Ана шунда вилоят ва мамлакат алоқа ходимлари иштирокидаги мусобақаларда яхши натижаларга эришамиз.

Бир сўз билан айтганда, яқунланаётган йил ўзига хос турли кўнгилочар ва маҳорат синовларига бой тадбирлари билан ёдда қоларли йил бўлди, десак адашмайман. Азиз умримизнинг эшик қоқиб турган “довони” ҳам хонадонларимизга файзу барақа олиб келишини истайман.

Нодира КЕНЖАЕВА,  
“ЎзИ-Термиз” филиали иқтисодчиси

## Иқтидорли ёшлар эътиборда

ТАТУ Қарши филиалида иқтидорли талабаларни танлаб олиш, раҳбарларга бириктириш ва уларни илмий муаммолари мавзуларга жалб этиш ишлари босқичма-босқич амалга ошириляпти.

Шунингдек, иқтидорли талабалар давлат грантини олиш учун ўтказилган турли танловларда фаол иштирок этиб келишмоқда. Тўртинчи босқич талабаси Анвар Бердиев “Келажак овози” ёшлар танловининг 2010 йилги вилоят босқичида “Ахборот технологиялари ва рационализаторлик таклифлари, техник лойиҳалар” номинацияси ғолиби бўлиб, диплом билан тақдирланди ва грант асосида магистратурала ўқишга йўланма олди. Иккинчи босқич талабаси Артем Расулов “Келажак овози” мега-танловида қатнашиб, сертификатга эга бўлди.

Танлов ғолиблари филиал томонидан мунтазам равишда моддий рағбатлантириб турилади. 2010-2011 ўқув йилида иқтидорли талабалардан Жасур Исмолов Радио стипендиясига, Сирожидин Ашуров Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги стипендиясига сазовор бўлди.

Жорий йилнинг 19 ноябрдан 23 ноябрга қадар кўҳна Бухорода талабалар фестивали бўлиб ўтди. Республикаимизнинг барча олий ўқув юртиларидан билимга чанқоқ, зукко, иқтидорли талаба ёшлар, магистрантлар ва ёш олимлар ҳамда “Қамолот” ЁИХ етакчилари иштирок этишди. Унда иқтидорли талабамиз Феруза Очилова қатнашди. “Мен ҳам талабалар фестивалидан бир олам таассуротлар билан, янги дўстлар орттириб қайтдим. Талаба ёшларнинг олиб бораётган илмий изланишлари бири-бирини тақдорламаслиги, изланувчанлигини кўриб дилим қувонди”, — дейди Феруза.

Зилола УРОҚОВА,  
ТАТУ Қарши филиали иқтидорли талабалар  
билан ишлаш бўлими бошлиғи

## “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Халқимизни 2011 йил —  
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик  
йили билан чин дилдан табриклайди.

Сизларга Янги йил табригини йўллар  
эканмиз, ишларингизга ривож,  
хонадонларингизга кут-барақа тилаймиз.  
Мамлакатимиз тараққиёти ва фаровонлиги  
йўлидаги ишларимизда янгидан-янги  
ютуқларга эришаверайлик!

## “О‘ЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК “ЖИЗЗАХ ТЕЛЕКОМ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Юрдошларимизни, шу жумладан,  
алоқа соҳаси ходимлари ҳамда  
ўз мижозларини

Янги йил билан

қутлайди.

Янги йилда барча  
режаларингиз  
ушалишига  
тилаётимиз!



# Фидойи устоз

Инсон туғилиб, ўзини таниганидан бошлаб илм олишга ва дунёни танишга интилади. Аввал оилада ва мактабда талим-тарбия олиб, кейин ўз билимини олий ўқув даргоҳларида мустаҳкамлайди, ўзи севган касб эгаси бўлишга ҳаракат қилади. Уруш жароҳатлари ҳали битиб улгурмаган 1950 йилда Навбахор туманининг олис Қоражон қишлоғида туғилиб ўсган Илаш Қаршибоевни алоқа олами болалигидан асир этди.

Қийинчиликларга қарамай, қишлоқдаги ўрта мактабни аъло баҳолар билан битиргач, Тошкент электротехника алоқа институтига ўқишга кириб, олийгоҳни радиоалоқа муҳандиси мутахассислиги бўйича тугаллаб, соҳа сирларини тиришқоқлик билан ўрганиши, ўзига юклатилган топшириқларни астойдил ва мунтазам бажаришга интилиши билан тез орада яхши ном қозонди.

1980 йилда Кармана туман алоқа боғламаси бошлиғи лавозимига тайинланди. Салкам 30 йиллик раҳбарлик фаолияти даврида туман алоқа соҳасини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшди. Жумладан, И.Қаршибоевнинг ташаббускорлиги туфайли Кармана шаҳрида 1500 сифимли координатли АТС монтаж қилинди ва бу

станция 2000 сифимга кўпайтирилди.

Давлатимиз мустақилликка эришгандан кейин Президентимизнинг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантириш учун янги технологияларни амалиётга киритиш тўғрисидаги қарорлари ижросининг самараси сабабли вилоятимизда ҳам замон талабига жавоб бера олмайдиган эски АТСлар ўрнига янги ускуналарни ўрнатиш ишлари бошлаб юборилди. Жумладан, 1998 йилда туман марказида 4500 сифимли ва Маликработ кўрғонида 512 сифимли Япония давлатининг NEK компанияси, 2004 йилда туман марказидаги Фарҳод кўрғонида 512 сифимли ва Нарпай қишлоқ телефон станциясида 250 сифимли Хитой давлати Huawei компаниясининг рақамли станциялари ҳамда учта қишлоқ телефон станцияларида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган СГМ русумли рақамли станциялар монтаж қилиниб, ишга туширилди.

Илаш аканинг соҳани ривожлантириш йўлидаги узоқ йиллик меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб, 2001 йилда Ўзбекистон Республикасининг 10 йиллиги эсдалик нишони ва 2009 йилда эса «Моҳир алоқачи» фахрий унвони билан тақдирланди.

Ўзининг ташкилотчилик, самимийлик, камтарлик ва бағрикенглик каби юксак инсоний фазилатлар эгаси эканлигини намоён эта олган устоз ҳамisha ҳамкасблари ва шогирдлари ҳурмат-эътиборида.

Катта-ю кичикка бирдек ғамхўрлик қилиш, яхши-ёмон кунда қадронлик, ҳамдардлик билдириш, ҳар қандай оғир шароитларда ҳам дўстга садоқатли бўлиш қаҳрамонимизнинг оддий ҳаётий фалсафаси.

Устоз нафақат ўз касби билан, балки ўзига ҳамкор, ҳамфирк ҳамкасблари, издош шогирдлари билан ҳам ҳақли равишда фахрланади. Бугунги кунда «Навоий Телеком» филиалининг техник директори бўлиб ишлаётган Т.Олимов, вилоят Электромагнит мослашуви хизмати бошлиғи И.Маҳмудовларни ана шулар қаторига қўшиш мумкин.

Ўзининг муборак 60 йиллик қутлуг ёшани қаршилайётган беназир устозни қутлаб, умрингиз бундан ҳам зиёда бўлсин, деймиз.

**Мустафо РАСУЛОВ,**  
Навоий вилояти Давлат алоқа инспекцияси катта инспектори  
**Маруся ҲОСИЛОВА,**  
«Xabar»нинг Навоий вилоятидаги мухбири

## ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

«NET PROFIT» масъулияти чекланган жамиятнинг (Самарқанд ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001360 рақамли;

«INTERMIKRO» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003234 рақамли;

«САРИБОЕВ ОЛИМ» хусусий корхонасининг (Навоий вилояти) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002712 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 14 декабрдан тугатилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Денов «АТР» телевидениесига кабелли телевидение фаолиятини тартибга солувчи амалдаги қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва лицензия шартнома талабларига риоя қилиш юзасидан 2010 йил 19 октябрда 16-8/4024-сонли кўрсатма берилишига қарамадан телевидение томонидан Ўзбекистон Республикаси «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг 31-моддаси ҳамда лицензия шартномасининг 4.2, 4.12 ва 6.2-бандлари талаблари қўпол равишда бузилиши сабабли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 45-бандига асосан Денов «АТР» телевидениесининг (Сурхондарё вилояти) теледустурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001638 рақамли лицензияси кабелли телевидение бўйича қисмининг амал қилиши 2010 йил 15 декабрдан бошлаб 10 иш кунига тўхтатилди.

## Сўровнома

1. «Xabar» газетасини неча йилдан буён ўқийсиз?
2. Газетада чоп этилаётган қайси мавзудаги мақолалар сизни кўпроқ қизиқтиради?
3. Газета кўлингизга ўз вақтида етиб боряптими?
4. Газетанинг янада мазмунли бўлиши учун қандай тақлиф ва мулоҳазаларингиз бор?

Фикр-мулоҳазаларингизни қуйидаги телефон рақамлари ва электрон почта орқали ҳам билдиришингиз мумкин.

Электрон почта: info@xabar.uz  
Тел. 288-40-69 Тел. (факс) 288-40-72

↑ MENING FIKRIM

## СЎРОВНОМАНИ ЎҚИБ

1. «Xabar» газетасининг 2007 йилдан буён доимий мухлисиман. Тўғри, ҳар бир газетанинг ўз йўли-йўриги, олдига қўйган мақсади, айтмоқчи бўлган ўз сўзи бўлади. Баъзан ўшани айтиш, ёритиб бериш осон кечмайди. Сабаби бировнинг нафсониятига тегиб қўймадиммикин, жараённи борлигича намоён қилганми, мухлислар дилдан кечган гапларни ёритиб бера олдимми, деган ўй-хаёллар қийнайди.

2. Назаримда, газетанинг ҳар бир саҳифаси, ҳар бир рўқни ўзига хос, ўзига мос бир дунё. Менга «Ўзбектелеком» АК, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ, ТАТУ, ахборот-кутубхона марказларига доир мақолаларни ўқиш мароқли. Шу билан бирга, бу борада хорижий давлатлардаги янгиликлар ҳам қизиқтиради.

3. Баҳоли қудрат ўз вақтида оляпти.

4. Интернет мактублар, интернетдаги сўнги янгиликлар тўғрисида ўқиш ниятидаман. Ҳар бир инсон ўз касби билан фахрланади. Айтишади-ку, касбининг ёмони йўқ, деб. Кўпроқ мажмур соҳа фидойилари ҳақида ёритилса. Дам олиш саҳифаси турли янгиликлар билан бойлса.

Икромбек ХОЛИМУРДОВ  
Қорақалпоғистон Республикаси

## «Xabar» газетасига ким қанча обуна бўлди?

2011 йил учун расмийлаштирилётган  
обуна бўйича маълумот

Вилоятлар	20.12.2010	01.01.2010
Қорақалпоғистон Республикаси	1266	1925
Андижон	848	955
Бухоро	834	504
Жиззах	254	386
Қашқадарё	957	1303
Навоий	607	587
Наманган	667	860
Самарқанд	591	742
Сурхондарё	717	992
Сирдарё	250	344
Тошкент	1500	877
Фарғона	1826	1997
Хоразм	598	587
Тошкент шаҳри	4659	5825
<b>Жами</b>	<b>15.574</b>	<b>17.875</b>

\*Маълумот «Матбуот тарқатувчи» АК томонидан тақдим этилди.



# Фаол алоқачи, фаол спортчи

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

О.Норметов, мустақиллигимиз шарофати билан очилган "Алпомиш" спорт клубини бошқаришдан ташқари, республикамиз жанговар айкидо федерацияси вице-президенти, жет-кун-до федерацияси бош котиби вазифаларида ҳам фаолият кўрсатяпти.

Яқинда Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида TAFISA (Спорт ҳамма учун халқаро ҳаракатига қўмаклашиш) ассоциацияси томонидан семинар ва халқаро мусобақа ташкил этилди. Қувонарлиси, мазкур нуфузли талбирда қатнашган О.Норметовга шарқ яккакурашларининг уч йўналиши: жанговар айкидо бўйича 7-ДАН, жет-кун-до бўйича 5-ДАН, жиу-житсу бўйича 4-ДАН қора белбоғ соҳиби даражаси берилди.

Албатта, 11 мамлакатдан энг тажрибали спорт усталари қатнашган беллашуларда бундай юқори натижаларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. О.Норметов самбо, дзюдо билан мунтазам шугулланиши натижасида дзюдо бўйича собиқ Иттифоқ чемпионлигини қўлга киритиб, 18 ёшида спорт устаси унвонига сазовор бўлди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда шарқ яккакурашлари, жумладан, таэквондони ривожлантириш ва оммалаштиришга эътибор кучайди. О.Норметов таэквондо сир-асрорларини ҳам жилдий ўрганди. 2006 йили Испаниянинг Бенидорм шаҳрида ташкиллаштирилган мусобақаларда бронза медални қўлга киритиб, 5-ДАН қора белбоғ соҳибига айланди.

— Албатта, нуфузли мусобақаларда тобланиш, қолаверса, чемпионликка эришиш ёшларнинг жамиятга муносиб ўрин эгаллашларига замин тайёрлайди, — дейди О.Норметов. — Клубимизга келадиган ёшларга дастлаб таэквондо ёки каратэ каби йўналишларда сабоқ берилди. Маълум бир тажрибага эришганларидан сўнг, яъни ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёр бўлишга айкидо, жиу-житсу ва жет-кун-до каби жанговар йўналишлар билан шугулланишларига руҳсат берилди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари ва уларнинг фарзандлари "Алпомиш" клубининг фаол қатнашчиларига айланишган. Биргина ўзим ишлайдиган "Алоқа принт" МЧЖ ходимларининг аксарият қисми учун "Алпомиш" клуби ҳақиқий маънода



иккинчи уйга айланиб қолган. Уларнинг уч нафари — Музаффар Ғозиев, Азиз Қўчқоров ва Сайдали Тўраҳужаевлар бир неча марта Ўзбекистон ва халқаро мусобақалар голиблари бўлишган. Бундан ташқари, улар клубда ёшларга маҳорат сирларини ўргатишяпти. Ҳеч муболағасиз айтишим мумкин, "Алпомиш" шарқ яккакурашларини оммалаштирувчи универсал спорт клуби ҳисобланади. Шу боис ёшидан, касбидан қатъи назар, барча юртдошларимиз учун унинг эшиклари доим очик.

Асосий фаолият билан спортни ёнма-ён қўйиш оғирлик қилмайдими? Келусидаги режалар қандай? Бу каби саволларга тажрибали спортчи қуйидагича жавоб берди:

— Спорт фақат ва фақат олға интилишга, тинимсиз изланишга ундайди, иродани синовдан ўтказди. Мен учун иш ҳам спортга ўхшайди: барча ишларимни ўз вақтида бажаришга, вақтдан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламан. Керакли натижага эришмагунимча изланавераман. Меҳнатдаги ютуқларимга қайсидир маънода спорт замин яратган. Агар киши астойдил истаса ва ҳаракат қилса, бир нечта турдаги спорт билан шугулланиши мумкин. Юртдошларимиз-

нинг нуфузли мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишаётгани, ҳеч шубҳасиз, республикамизда спортта бўлган катта эътибор натижасидир. Ёшларимизга қўйилаётган талаб эса ягона — ўқиб-изланишсин, ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтиладиган бўлсам, бутунгилек шароит ҳали ҳеч қачон бўлмаган.

2011 йили тўртта халқаро мусобақада қатнашишга таклифнома олангиз. Апрель ойида Бокуда ташкиллаштирилладиган жет-кун-до бўйича Европа очик чемпионатида, март ойида жанговар айкидо бўйича Голландия мезбонлик қиладиган жаҳон чемпионатида, сентябр ойида АҚШда ўтадиган жет-кун-до бўйича халқаро турнир, шунингдек, Гонконгда ўтадиган нуфузли турнирда шогирдларим беллашишадди, ўзим эса мастер-класс кўрсатаман.

Халқаро майдонларда Ватанимиз байрогини баян қўлаётган, республикамизда спортнинг кенг оммалаштиришга, ёшларнинг баркамол вояга етишларига муносиб ҳисса қўшаётган Ойбек Норметовга келгуси мусобақаларда ҳам омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Собит АҲАДОВ,  
"Xabar" мухбири

## ГУАНЧЖОУДАН 6та МЕДАЛ БИЛАН

Ўзбекистон спорт делегацияси Хитойнинг Гаунчжоу шаҳрида ўтказилган 10-Осиё Паралимпия ўйинларидан қайтиб келди. Мазкур анжуманда иштирок этган 30га яқин спортчиларимиздан 6 нафари медалларни қўлга киритишди. Делегациямиз умумжамоа ҳисобда 18-ўринни эгаллади.

Ҳисобимиздаги ягона олтин медални 800 метрга югуриш мусобақасида Алишер Усмонов қўлга киритди.

Енгил атлетиканинг бошқа турида (ядро улоқтириш) Хусниддин Норбековга кумуш медал насиб қилган бўлса, делегациямиз ҳисобига яна бир «кумуш»ни Шариф Холиқов келтирди. У дзюдо бўйича 73 кг. вазн тоифасида финалда рақибга имкониятни бой бериб қўйди.

Яна бир дзюдочи Ҳасан Қосимов 81 кг.гача бўлган вазн тоифасида шохсупанинг 3-поғонасига кўтарилди. Яна 2га бронза медалларини ҳам енгил атлетикачиларимиз қўлга киритишди. Узунликка сакраш бўйича Дониёр Солиев ва 100 метрга югуриш бўйича жамоавий эстафетачиларимиз Гуанчжоу медаллари билан қайтишди.

## УЛУҒБЕК БАҚОЕВ — ҚОЗОФИСТОНДА ЭНГ ЯХШИ ЛЕГИОНЕР

Қозоғистон футбол жамоатчилиги 2010 йилнинг энг яхши футболчилари номини эълон қилди.

Ҳамюртимиз Улуғбек Бақоев йилнинг энг яхши легионер деб топилди. Легионерлар танловида Тити Эссомба (Камерун) ва Георги Даскалов (Болгария)лар иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

## "ИНТЕР" — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Клублар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Италиянинг "Интер" жамоаси финалда Конго ДРнинг «ТП Мазембе» клубини мағлубиятга учратиб, бош совринни қўлга киритди.

«ТП Мазембе» (Дубумбаши, ДР Конго) — «Интер» (Милан, Италия) — 0:3  
Голлар: Пандев, 13; Это'О, 17; Биабьяни, 85.

## ЁШ ПОЛВОНЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида ўзбек кураши бўйича ёшлар ўртасида VI жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Қирқдан зиёд мамлакатдан 400 нафарга яқин ёш полвон иштирок этган чемпионатда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари иккитадан олтин ва кумуш ҳамда саккизта бронза медални қўлга киритди.

Вазни юз килограммгача бўлган полвонлар ўртасида ҳамюртимиз Шуҳрат Тўрабоев ҳал қилувчи баҳсда эронлик Жавод Маҳжубнинг курагини ерга теккизиб, жаҳон чемпиони бўлди.

Шаҳбоз Саидмуродов 66 килограмм вазн тоифасидаги беллашуларда олтин медални қўлга киритди. Терма жамоамиз аъзоларидан Малик Жўраев, Рифат Шаропов, Урол Тўраев шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Қизлар ўртасидаги баҳсларда юртдошларимиздан Хуршида Чориева ва Дилфуза Темирова кумуш медални қўлга киритган бўлса, Феруза Султонова, Дилдора Мелиқулова, Гулҳаё Пармонова, Дилдора Ҳалимова ва Нодира Ҳамроевага бронза медал насиб этди.

## ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг 2010 йил 21 июндаги 19-к-ПО-сонли буйруғига асосан «Камалак ТВ» масъулияти чекланган жамияти Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳузуридаги «Радиоалоқа, радиозаштитириш ва телевидение маркази» давлат унитар корхонасига бирлаштирилди ва шу муносабат билан «Камалак ТВ» МЧЖнинг фаолияти тугатилди.

## Ўташларнинг охираги обод бўлсин

«Бухоро Телеком» филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси қўмитаси жамоалари Жондор тумани ТБ АТС муҳандиси

## Яқў ТЎХТАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



FARZANLARINGIZGA O'QIB BERING

Қосим ота дарвозадан ҳовли-қиб келаётган чеварасини кўриб, шошиб қолди. Ишқилиб тинчлик бўлсин-да, хаёлидан ўтказди ота.

— Ассалому алайкум, бобо-жон, мен келдим.

— Кўриб турибман келганингни, ваалайкум ассалом. Ҳа, бўғалоғим тинчликми?

— Бобожон, ўртоғим

Ҳасан буфетдан пирожний сотиб олди. Ярини еб, ярмини ахлат қутисига ташласа бўладими? Чидай олмай қутидан пирожнийни олиб, қоғозга ўрадим ва сумкамга солдим. Ахир, исрофчи шайтоннинг дўсти-ку шундай эмасми?

— Жуда тўғри, ҳўш кейин нима бўлди, Ҳасан уялиб қолгандир.

— Бе, қаёқда уялади. Аксинча, устимдан кулди. Қорнинг тўймабди-да, еб олақол буням, деди. Исроф ҳақида гапирсам, бошқа ўртоқларим ҳам қўшилиб кулишди.

Қоғозга ўралган пирожний бўлагини бобосига узатар экан, Жамшиднинг кўзларида ёш қалди.

Бундай пайтда Қосим ота тинч ўтира олармиди, уйга кирди-ю, шартга мактаб директорига кўнғироқ қила бошлади.

— Нима қиляпсиз, бобожон, кўнғироқ қилманг ҳеч кимга. Болалар мени чақимчи деб, яна устимдан кулишади-ку!

Бобо жонсарак чеварасининг бошини силди ва сенга ҳеч нима бўлмайдми, ташвишланма, ишорасини қилди.

Шу пайт қарши томон гўшакни кўтарди шекилли, отахон сўз

бошлади.

— Ўғлим, мен Олчазор маҳаллик Қосим отангизман. Таклифингизни ўйлаб кўрдим. Болалар билан суҳбат ўтказишга тайёрман. Албатта, сиз айтган вақтга етиб бораман. Бу сафарги суҳбатимиз нон қадр ҳақида бўлади. Мента машина жўнатишингиз шарт эмас, ўзим бораман.

Эртасига Қосим ота

эвазига онамизга бериладиган нонга озроқ кўшиб беришарди. Нон ўшанда энг қиммат нарсага айланганди. Талон эвазига берилган нон бўлакларини бир зумда еб кўярдик. Қорин тўйиб нон ейиш ушалиб бўлмас орзу эди биз учун.

Бир куни акам билан кўчада кетиб борардик, баногоҳ биздан анча узоқда чангга беланиб ётган нон буханкасига кўзим тушди. Ишонгим келмасди. Уни акамга кўрсатдим.

“Нон ташийдиган машинадан тушиб қолган бўлса керак, — деди акам. — Югурдик, биттаяримта кўриб қолмасидан тезроқ олайлик. Чангини тозалаб, мазза қилиб еб оламиз”. Ака-ука ҳал-лослаб чопа кетдик. Нонга биринчи бўлиб етиб келганим учун унга ташландим. Лекин қўлимга юмшоқ нарса илинди. Биз нон деб ўйлаганимиз мочалка экан. Мен йиғлаб юбордим. Акам эса юпата олмай сарсон эди. Бу воқеа ўшандан бери бир зум ҳам эсимдан чиқмайди.

Қосим отанинг кўзларига ёш қуйилди, ўпкаси тўлиб гапира олмай қолди. Залдаги болалар ҳам жим бўлиб қолишган, гапиришга сўз топа олмас эдилар.

Орадан бир оз вақт ўтиб, улар ўзларига келишди. Ва отахонга нонни эҳтиёт қилишга, қадрига етишга, бир бурдасини ҳам исроф қилмасликка сўз беришди. Улар ичида Жамшиднинг синфдошлари ҳам бор эди.

Муборак МИРКАМОЛОВА

# Жон қадр

ваёда қилинган вақтда мактабга етиб борди. Саксон ёшдан ошган отахоннинг машинани ўзи бошқариб келгани, шахдам ҳаракатларини кўриб, барчанинг ҳаваси келди.

Отахоннинг қизиқарли суҳбатларига ўрганиб қолишганми, залдаги бирорта ўриндиқ бўш қолмаган эди. Умри давомида кўплаб яхши ва ёмон кунларни бошидан ўтказган Қосим ота вазмин гап бошлади.

— Азиз болажонлар, — деди у, — бугун мен сизларга ўз бошимдан ўтган бир воқеани гапириб бермоқчиман. Эшитиб, сўнг фикрингизни билдирасиз. Менинг болалигим Иккинчи жаҳон урушининг қизиган пайтига тўғри келган. Қишлоқ ва шаҳарларда қўлига қурол ушлашга қодир бўлган бирорта эркак қолмаган, ҳамма урушга кетган. Дала ишлари эса қариялар, аёллар ва болалар зиммасида эди. Мактабимиз ёпилганлиги боис биз ҳам оналаримиз ёнида гўза чопардик. Меҳнатимиз

## BILIMINGIZNI SINAB KO'RING

Тошкент телеминораси дунё телеминоралари ичида нечанчи ўринни эгаллайди?

Газетанинг 17 декабр 51 (952)-сонда эълон қилинган “Транс — Осиё — Европа кабелли алоқа магистралининг узунлиги неча километрни ташкил этади?” саволига жавоб:

— Транс — Осиё — Европа кабелли алоқа магистрала Хитойнинг Шанхай ва Германиянинг Франкфурт-Майн шаҳарларини боғлайди ҳамда умумий узунлиги 19 миң километрни ташкил этади. Унинг деярли 900 километри Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб ўтади. Магистралнинг юртимиздаги қисми қурилиши 1996 йил феврал ойида бошланган.

Гулираъно ОБИДОВА  
Хоразм вилояти

## Табриклаймиз!

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фаргона филиали жамоаси Кўқор почта алоқаси тармоғи ходимлари Тамара КАРПЕНКО ҳамда Манзурахон АҲМЕДОВАни, Янгиқўрғон, Ровон, Учкўрпак почта алоқаси тармоқлари ходимлари Маҳаматжон ЖУМАЕВ, Зоҳиржон ЮСУПОВ, Маммуржон ҲАЙДАРОВларни 55 ёши, Тошлоқ почта алоқаси тармоғи ходими Муроджон БОБОЖОНОВни 50 ёши билан чин юракдан табриклайди. Уларга мустақкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар камолини кўришликни тилайди.

“Қорақалпоқ Телеком” филиали Нукус тумани телекоммуникациялар боғламаси жамоаси кабелчи-пайвандловчи Жумағали СУЛТОНОВни 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий кутлайди. Унга мустақкам соғлиқ, узоқ умр тилайди.

“Қорақалпоқ Телеком” филиали Эллиқалъа тумани телекоммуникациялар боғламаси ҳамда касабга уюшмаси кўмитаси жамоаси боғлама бошлиғи Нархан АДАМБАЕВни 50 ёши билан табриклайди. Унга мустақкам саломатлик, узоқ умр тилайди.

“Фаргона Телеком” филиали жамоаси Фаргона шаҳар телекоммуникациялар боғламаси ходими Олга ШУБИНАни 55 ёши билан кутлаб, унга сийҳат-саломатлик, узоқ умр тилайди.

“Сурхондарё Телеком” филиали жамоаси филиалнинг ишлаб чиқариш лабораторияси муҳандиси Норқўчқор ОМОНОВни 55 ёши билан табриклаб, унга мустақкам соғлиқ, узоқ умр тилайди.

## Совун ёрнига ўсимлик

Табиатда ўздан кўпик ажратувчи ўсимликлар анчагина. Уларни бемалол совун ўрнида ишлатиш мумкин.

Чунки бундай ўсимликлар таркибида сапонин (сувда кўпикланувчи органик модда)лар мавжуд. Шу боис сапонинлар саноатда шампун ва бошқа тозаловчи воситалар ишлаб чиқаришда ишлатилади. Бундай ўсимликлар орасида доривор совунакнинг алоҳида ўрни бор. Унинг, айниқса, қуритилган ва майдаланган илдизи яхши кўпикланади.

Таркибида сапонинлар бўлган эритмалар жун, ипак каби нозик матоларни ювиш ва оқартиришда ҳатто совундан ҳам аъло хизмат қилади. Тозалаш мақсадида сохта каштан ва маржон меваси ҳам ишлатилади.



**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХУҶАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИКОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувои НАЖИВДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаллигига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлиғи мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar” дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

**Тижорий материал — ❶**  
Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

## Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:  
Абдусайд КҶЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума кўни чиқади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-1102 сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ, Адали: 10151 нусха.

## МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент, Бунёдор шоҳкўчаси, 8-уй.  
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.  
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терибли ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҶРИЕВ.  
Навбатчи: Усмоғжон ЙҶЛДОШЕВ.

## ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Видеоят муҳбирлари:

Анджонда 226-47-80 Бухорода 223-27-85 Гулистонда 40-12-19 Жиззахда 226-06-34 Навоийда 225-91-10 Наманганда 226-61-85 Нукусда 554-35-45 Самарқандда 233-61-81 Термизда 224-06-12 Тошкентда 288-40-66 Урганчада 226-37-16 Фарғонада 226-87-71 Қаршида 314-08-99